



Темур тузуклари (15)

УЛУСЛАР, КЎШИНЛАР ВА ТУМАНЛАРНИНГ АМИРЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ТУЗУКИ

Буюрдимки, юриш вақтида ҳар бир улус ва туман амири ҳар чодирдан бир отлик, ҳар икки олачукдан бир отлик, ҳар бир уйдан бир отлик аскар ажратиб, ўзлари билан бирга олиб кетсинлар. Улар қайси мамлакатга келиб тушсалар, оладиган улусфалари ўша ернинг сугориладиган майдони ва ўтлоғи ҳисобидан белгилансин. Улусларнинг амирларига яргу ва байроқлар берсинлар. Амирлар улуслар ва туманларнинг ҳол-қудратига яраша отлик аскар ҳозирлаб, юришга олиб келсинлар.

Қарамоғимдаги қирк аймақдан ўн иккитасига—барлос, тархон, аргин, жалойир, тулкичи, дўлдай, мўғул, сулдуз, тўқай, кипчок, арлот, тоторга тамга берилсинким, булар менинг хос наварларим бўлиб ҳисоблансинлар.

Барлос уругидан (қуйидаги) тўрт кишини амир ул-умаро қилдим: Амир Худойдод, унга Бадахшон мамлакатини инъом этдим; амир Жаку, амир Ййгу Темур ва амир Сулаймоншоҳга ҳам биттадан чегара мамлакатини тортиқ қилдим. Барлос уругидан яна юз кишини мингбоши қилдим. Амир Жалолiddин барлосни ўнинчи амир, амир Абу Саъидни тўққизинчи амир даражасига қўтардим.

Тархон улусидан амир Боязидни еттинчи амир даражасига тайинладим. Улардан йигирма кишини юзбоши қилдим.

Аргин улусидан Тош Ҳўжани саккизинчи амир қилдим. Булардан йигирма кишини мингбоши, юзбоши ва ўнбоши қилиб тайинладим.

Жалойир улусидан Туг Темур ва Шер Баҳромни саккизинчи ва тўққизинчи амир этиб

тайинладим. Булардан йигирма кишини юзбоши ва ўнбошиликка белгиладим. Тулкичи улусидан Улжайту Апардийга амирлик мартабасини бердим. Дўлдай улусидан Тобон баходир ва Сон баходирга амирлик мартабасини бердим. Мўгул улусидан Темур Хожа Ўғлонни амирлик мартабасига етказдим. Сулдуз улусидан Элчи баходирга амирлик мартабасини бердим. Тўкай улусидан Али Дарвишни амир килдим. Кипчок улусидан Сари Бугага амирликни бердим. Арлот улусидан амир Муаййидниким, синглим унинг никохида эди, амир ул-умаро этиб тайинладим. Салайчи баходирни ҳам амирликка кўтардим. Тотор улусидан Кўнакхонга амирлик (мартабасини) бердим. Тамгага етмаган йигирма саккиз аймак бошлиқдарига улус амирлигини бердим. Улар юриш ва жангу жадал пайтида тузукка биноан ўз улусидан отлик аскар тўплаб, хозир бўлсинлар.

НАВКАРНИНГ БЕГИГА ВА БЕКНИНГ НАВКАРИГА МУОМАЛА КИЛИШ ТУЗУКИ

Хакикий навкар билсинким, у агар (кўл остида) ўз навкари бўлган такдирда ундан нимани талаб килса, унинг беги ҳам ундан айнан шу нарсани кутади. Шундай бўлгач, ўзини бек хизматидан озод этилган деб хисобламасин. Яна шуни ҳам билиши керакки, агар беги унга аввалига иноят-мархаматлар кўрсатсаю, охири иноятсизлигу илтифотсизлик килса, у холда айб ва нуксонни бегидан эмас, ўзидан ахтарсин. Тўғри навкар ўз бегига ихлос кўйиб, холис хизмат килиши керак. Кайси навкар бегига ихлос кўймай, кўнглида гина-кудурат сакдаса, ихлоссизлик ва адовати туфайли бахтсизликка дучор бўлади. Лекин ўз бегига ихлос кўйган навкарнинг бойлигию давлати ва ноз-неъматлари кундан-кун ортиб боради.

Бегига эътиқоди кучли навкар улким, унинг огир-каттик эътирозли сўзларидан ранжиб, кўнглида кек сакламайди. Бегидан танбех эшитса, ўзини айбдор деб билади. Бундай навкар таъмину тарбияга лойикдир. Кайси навкарнинг химмати емак-ичмак, яхши кийинмаккагина боғланар экан, албатта, иш вақтида сусткашлик килади.

Кайси навкар ўз хизмати, ҳақ-бурчини унутиб, иш вақтида (меҳнатдан) юз ўғирар экан, ундай навкардан юз ўғирмок лозим. Кайси навкар иш вақтида бахона излаб, жангу жадал пайтида ижозат сўраб, кочишни мўлжалласа, бугунги ишни эртага колдирса, Пўлод ва Темур Ўғлон бошимга иш тушганда ўзларини шу қабилда тутиб, мени ташлаб кетганлари каби, бунга ўхшаш навкарлар номларини ҳам тилга олишга муносиб эмасдирлар. Бундай одамларни парвардигори олам (хукмига) топшириш зарур. 258 Яргу—ясо ва йўсун (конун) асосида чиқарилган ҳукм; бу ерда бирон ҳақ-ҳуқуқ берувчи расмий ҳужжат маъносида.

Яна хакикий подшоҳларга лозимдирки, кайси навкарни ўзлари улуглаб (мартабасини) кўтарган бўлсалар, тезда уни хорлаб тубан туширмасинлар. Ўзлари кўтарган кишиларни пастта урмасинлар. Кимники билган ва таниган бўлсалар, уни унутмасинлар. Агар ахён-ахёнда унинг иззат-нафсига тегиб хўрлаган бўлсалар, эвазига илгаригидан икки баробар ортиқ иззатини оширсинлар ва ўша навкарни ўз ихлосию эътиқодига ҳавола килсинлар. Агар у кўнглида гина-адоват сакласа, тез орада ўзи бахтсизликка учрайди.

Бегининг кўнглида яхшилиги билан жой олган хар бир навкар куни келиб яхшилик кўриши аникдир.

Кайси бир навкар ўз ихтиёри биланми ёки ихтиёрсизми бегидан ажраб кетсаю, кейинрок яна кайтиб келса, уни хурматласинлар, чунки у ажралиб кетганидан пушаймонлиги учун ҳам кайтиб келган.

Яна амр килдимки, ганим томонидан навкар бизга карши килич кўтарар экан, ўз юртининг туз хакини халоллаган саналади. Агар шундай кишилардан биронтаси жанг пайтида кўлга тушса ёки ганим томонидан умиди узилиб, бизга келиб хизмат килишни истаса, уни азиз тутсинлар, мартабасини ошириб, содик одам деб ҳисобласинлар. Чунончи, Менгли Буга, хайдар Андхудий ва амир Абу Саъид –булар олти минг отлик аскар билан Балх дарёси 259 бўйида менга карши жанг килдилар. Кейинрок, Туглук Темурхондан ноумид бўлиб, менинг панохимга келганларида уларга иззат-икром кўрсатиб, хисори Шодмон, Андижон ва Туркистон вилоятларини уларга инъом килдим.

Ва амр килдимки, хар бир навкар ганим наздида хурмат-эътиборга эга бўлиб кадрлансаю, бироқ жангу жадал пайтида ўз бегига хиёнат килса, унинг душманига дўстлик кўрсатса, туз хакини, бек хурматини, навкарлик (бурчини) ва (ундан) кўрган ноз-неъматларини унутса, ўз бегининг душманига ён босиб, уни ўз бегидан устун қўйса, бундай кимсани хизматга йўлат масинлар. ҳаётнинг ўзи бундайларнинг килмишига яраша жазосини беради.

Кайси бир навкар юриш вақтида ўз бегидан юз ўгириб, ундан ажралиб, (сизнинг) олдингизга хизмат истаб келса, ундай навкарга ишониб бўлмайди. Агар у маълум муддатдан кейин кўп хизмат килиб фидокорлигини кўрсатса, у чоғда уни олиб колса бўлади. Агар (бирон навкар) тинчлик вақтида сизга хизмат килишни ихтиёр этса, уни кадрласинлар.

Агар вазирлардан ёки навкарлардан биронтаси (уруш кунларида) тадбиркорлик ишлатиб, душман билан алоқа боғлаб, унга ошнолик килгандай ўз бегининг ишини битирса, ундай одамни энг ақлли дўстлардан ва хизматкорлардан деб ҳисоблаш зарур. Лекин бирор навкар ёв билан келишиб, ўз эгасига мунофиқлик килса, бундай навкарни душман каторида санаш лозим.

Агар навкарлардан бири килич чопишиб, ганимни синдирар экан, гаразгўй одамларнинг унинг хақида айтган гапларига кулок солмасинлар. Унинг килган хизматларини яширмасинлар, бир хизматини ўнга йўйсинлар, мартабасини оширсинлар, токи бошқа навкарлар буни кўриб жонбозлик килишга рағбатлансинлар.

Сипохий фавжлардан ёки амирлардан кайси бири ёв билан келишиб, дўсту ошно бўлиб яшаш йўлидан бурилиб, ганимлар сафига бирлашар экан, уларни юртдан чиқариб, ҳеч ердан ўрин бермасинлар. Бунга мисол, Кеш лашкарининг саркардалари мендан юз ўгириб, амир хожи Барлос лашкарига қўшилдилар. Шундан кейин мен уларга ишонмай қўйдим.

Агар навкарни бирон мамлакатга ҳоким килган бўлсалару, у бевафолигидан душман билан келишиб, юртни унга таслим килса, ўлим жазосига маҳкум этсинлар. Мамлакатни қўл остида сакдаб қолган навкарни эса юкори мартабага кўтариб, хурматласинлар. Кайси бир амир уруш кунлари, ахвол танг бўлган пайтда, жанг майдонида ихлос қадамини маҳкам қўйиб, дўст-ошнолик хакини сакдаган бўлса, уни ўз ога-инисидек кўрсинлар. Чунончи, Кеш амирлари ва лашкари мендан бутунлай юз ўгирганларида ва

амир Жаку Барлосдан бошка хеч кимса олдимда колмаган бир пайтда, мен амир Жакуни ўз азиз огамдай кўриб, давлатимнинг ишончли одами деб билдим. Уни амир ул-умаро этиб тайинлаб, Балх ва хисор мамлакатларини унга инъом килдим.